

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2014 № 6 (117)

1995 йилдан чиқа бошлаган

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шоюнус ГАЗИЕВ

Мавжуда РАЖАБОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Файрат ХИДОЯТОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг  
2004 йил 17 декабрдаги  
110/4-сонли қарорига  
асосан ҳуқуқий, илмий-  
амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 20.01.2015 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Элбек кўчаси, 8-уй.  
Адади: 5220 нусха.  
Буюртма № 30.

## **МУНДАРИЖА**

### **2. Ш.ГАЗИЕВ.**

*Тараққиётимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси*

### **6. М.МАМАСИДДИҚОВ.**

*Қонуни ижодкорлиги самарадорлигини ошириш*

### **11. М.МИРАКУЛОВ.**

*Мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонуний кафолатлари  
янада такомиллаштирилди*

### **14. З.РЎЗИЕВ.**

*Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини  
такомиллаштириши — давр талаби*

### **17. Г.ТЎЛАҒАНОВА.**

*Жиноят процессуал қонуничилигида айбга иқрорлик  
битими институти*

### **22. Суд амалиёти**

### **32. А.ОТАЖОНОВ.**

*Жиноятда иштирокчилик*

### **35. Н.ИСМОИЛОВ.**

*Ҳазони ижро этиши муассасаларидан бўшатишган  
шахслар*

### **41. Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий**

*малака ҳайъати қарорлари билан қуйидаги судьяларга  
малака даражалари берилди*

## **СОДЕРЖАНИЕ**

### **51. Ш.КАЗАКХАНОВА.**

*Международные правовые документы по защите  
прав ребенка*

# Тараққиётимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси

**Шоюнус ГАЗИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 22 йилдирки, мамлакатимиз тараққиёти йўлида мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Буни суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Асосий Қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгиланган бўлиб, бу амалиётда одил судловни холис ва юқори савияда амалга ошириш имконини бермоқда.

Унинг 112-моддасида "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", дея белгилаб қўйилгани ҳам одил судловнинг фақат қонунга таянган ҳолда олиб борилишини таъминлашга қаратилгандир.

Шунингдек, унда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, ушбу норма суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жинойий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мослаштиришни тақозо этарди. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ соҳанинг қонунчилигини яратишга жиддий киришилди. Шу мақсад-

да 1993 йилда "Судлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.

Мазкур Қонун одил судловни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, суд мустақиллигини таъминлашга ҳам замин ҳозирлади. Унга 2000 йилда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди, яъни хўжалик, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса судларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимизда белгилаб берилган тамойиллар негизида жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган апелляция институти ҳам жамият ҳаётида катта воқеа бўлиши баробарида, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омилга айланган. Бугун фуқароларимиз биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ҳамда кассация инстанциясида ўз адвокатлари иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция суди қарорига нисбатан шикоятларини яши-

рин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилди. Жорий этилган ушбу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2014 йил 9 ойи якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 89 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бар-тараф қилинди.

Конституциямиз асосида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим аҳамият касб этди. Зеро, мазкур Қонун билан жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркекларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддат-

нинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Қолаверса, жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш тартиби чиқарилди. Бу жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, мазкур янгилик хусусий мулк дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидага тўлиқ мос келиши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шу ва бошқа конституциявий қоидалардан ҳам кўриш мумкинки, Ассосий Қонуниimizда инсонпарварлик тамойили етакчилик қилади. Ана шу тамойил негизида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятида инсонпарварлик устувор эканлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Хусусан, 2008 йилнинг январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилинишини нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам ниҳоятда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқеа сифатида қаршилади. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Айни чоғда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг



суд қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Ушбу механизм фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар жиҳатдан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Конституциямиздаги инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, суд амалиётига ярашув институти жорий этилиши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолатдир. Бу янгилик миллий урф-одат ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир қилган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди. Эътиборлиси, мазкур институт қўлланила бошлагандан буён 159 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур Концепция асосида ишлаб чиқилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамиятга эга. Негаки, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустақамлашга қаратилган шу ҳужжат билан "Прокуратура тўғрисида", "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институти қўлланиш амалиётини бугунги кун талабларига мос даражада кенгайтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2

августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларни яна бир поғона кўтарди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги пайтда шу йўналишларда ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг кутилган натижаларини бермоқда.

Шу ўринда ўтган йиллар давомида замон талабларидан келиб чиқиб, Ассий Қонунимизга бир неча марта ўзгартишлар киритилганлигини ҳамда бугунги кунда бу ўзини тўла оқлаб келаятганлигини мамнуният билан айтиш зарур. Бундай янгиликлар сирасига профессионал, доимий асосда ишловчи парламентга бўлган эҳтиёж, қонунлар сифатини ошириш, ҳокимият бўлиниш принципини ривожлантириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш, ҳукумат масъулиятини ошириш мақсадида парламент, Президент, ҳукумат фаолиятига ҳамда сайлов тизимига тааллуқли ўзгартишларни киритиш мумкин.

Мазкур ўзгартишларнинг барчаси долзарб бўлиб, уларнинг айримлари хусусида тўхталмоқчимиз. Маълумки, юртимиз мустақилликка эришгач, унинг олдида мураккаб вазифалар пайдо бўлди. Шулардан бири ҳокимиятни самарали ташкил этиш, бунинг учун ҳокимият органлари тизимини вужудга келтириш, жамият ва давлат фаолиятига тааллуқли масалаларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини яратишни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда дастлаб бир палатали парламент ташкил этилди. Унда депу-

татлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб боришди. Улар ушбу даврда парламент мактабини ўтади, профессионал фаолият учун кўникма ҳосил қилишди. Энди эса қонунлар сифатига кўпроқ эътибор бериш, парламентнинг доимий фаолият юритиши ва унда доимий вакиллик мутаносиб бўлиши зарур эди. Шундан келиб чиқиб, икки палатали парламентни шакллантирувчи қоидалар Конституциямизга киритилди. Ушбу ўзгартишлар Олий Мажлиснинг икки палатали бўлишини, яъни доимий ишловчи ва профессионал Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда тенг ҳудудий вакиллик бўлишини таъминлади.

Концепция асосида Конституциямиз мазмунан янада бойитилди. Бу ўзгартишлар Президент мақомига, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир ваколатларини ва масъулиятини кучайтиришга, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик (қонунчилик) ҳокимиятининг назорат функциясини кучайтиришга қаратилди.

Конституциямизнинг 98-моддасига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар изчиллик билан давом эттирилиб, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишда судларнинг роли янада оширилди. Масалан, 2012 йилда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши бу болада ўта муҳим қадам бўлди. Аниқроқ айтганда, ушбу Қонун билан лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш, жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини судлар ваколатидан чиқариш ҳамда судда жиноят иши кўрилаётганда айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклаш каби муҳим масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий тамойилнинг амалдаги ифодасини судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишларини кўриб чиқиш чоғида халқ маслаҳатчилари иштироки тўлиқ таъминланаётгани мисолида кўриш мумкин. Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишини кўришда икки нафар халқ маслаҳатчиси иштирок этаётгани ишнинг холис ҳал қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қилмоқда. Жорий йил апрель-май ойларида республика халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови ўтказилди. Унда сайланган 15 744 нафар халқ маслаҳатчиси ҳозир судлов жараёнларида самарали фаолият олиб бормоқда.

Умуман, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Зеро, Асосий Қонунимиз туб замирида шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзу-ўйларини рўёбга чиқариш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсадлари му-

Мамлакатимиз қонун ижодкорлиги соҳасида 2014 йил ғоятда самарали йил бўлди. Олий Мажлис палаталари томонидан 17 та қонун ишлаб чиқилгани ва қабул қилинганининг ўзиёқ бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, 6 та янги қонун — "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида", "Тижорат сири тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг яхлит қонунлар сифатида қабул қилингани алоҳида эътиборга лойиқдир.

# Қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш

демократик ислохотларни янада  
чуқурлаштиришнинг муҳим омили

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**

*юридик фанлар доктори,  
профессор*

Яна бир қатор қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Судьяларнинг малага ҳайъатлари тўғрисидаги низом шулар жумласига киради.

Ўтган йили "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани, ҳеч шубҳасиз, миллий қонун ижодкорлиги соҳасида

эришилган муҳим ютуқлардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида киритилган ҳамда 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган мазкур Қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг конституциявий асосларини такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ

этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги бугунги ислохотларни янги босқичга кўтарди.

Хусусан, Конституция-мизнинг 32-моддасига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма киритилди. Асосий Қонунимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари белгиланган 78-мод-

даси 21-банди эса парламент назоратини амалга ошириш ваколати билан тўлдирилди.

Конституциянинг 98-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши тартиби жорий этилди. Бу, бир томондан, ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини кучайтирса, иккинчи томондан, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун депутатлар ва олий вакиллик органининг масъулиятини, шунингдек, ижро этувчи органлар фаолиятида қонунийлик, халқчиллик ва ошкораликни янада оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2014 йил сайлов қонунчилигининг ривожланишида ҳам муҳим йил бўлди. Авваламбор, конституциявий ҳуқуқ ривожланиши бўйича жаҳон амалиётида илк мартаба Ўзбекистон Республикасида Марказий сайлов комиссияси демократик тузилмасининг мустақил тизими, шунингдек, ушбу Комиссия фаолиятининг асосий принциплари мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси "Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган V1-боб билан тўлдирилди.

Энг муҳими, миллий сайлов қонунчилигидаги ушбу янгиликлар 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов жараёнида илк бор муваффақиятли синовдан ўтди. Бу сайловлар халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон танлаган йўлга содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Ўтган йили қонун ижодкорлиги борасида эришилган бу каби муҳим ютуқларнинг барчаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналиш ва

вазифалар ижроси билан боғлиқ эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Бу ҳақда сўз борганда, 2014 йил 26 сентябрда матбуотда эълон қилинган ва 2015 йилнинг 1 январидан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунга алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз.

Мазкур Қонунда ижтимоий шериклик атамасига таъриф берилган. Яъни, ижтимоий шериклик - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигини ошириш, катта ижтимоий аҳамиятга молик социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида

рида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олишда кўмаклашади.

2014 йилда қабул қилинган қонунлар ичида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун алоҳида ўрин тутди. Ушбу Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши, биринчидан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенг рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратса, иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши билан давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгилаб берилди. Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг очиқлигини таъминлайди.

Маълумки, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва иш кўришининг ошқоралиги суд ишларини юритишнинг

демократик процессуал шакллارининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланиб, одил судлов жараёнида қонунийликни таъминлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради.

Шу маънода, 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ушбу Кодекс "Хўжалик судининг видеоконференцалоқа режимидаги мажлисида иштирок этиш" деб номланган янги модда билан тўлдирилди.

Натижада 2014 йил 1 сентябрдан хўжалик судларида суд мажлисларини видео-конференцалоқа режимида ўтказиш имконияти яратилди. Эндиликда бошқа ҳудуддаги суд мажлисига бориш, ортиқча вақт ва маблағ сарфлаш каби ташвишлар деярли барҳам топди.

Ушбу Қонун кучга кирган кундан бошлаб деярли 3 ойлик давр ичида хўжалик судларида 700 га яқин суд мажлиси видео-конференцалоқа режимида ўтказилган. Шу-

нингдек, қарийб 1,5 минг нафар иштирокчи масофавий суд процессларида қатнашиб, уларнинг ўртача 320 миллион сўмдан ортиқ маблағи тежаб қолинган. Бу, ўз навбатида, процессуал чиқимларни камайтириш, процессуал муддатлар бузилишининг олдини олиш, шу билан бир қаторда, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашда қўл келмоқда.

Конституциямизнинг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўтган йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда фуқароларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатлари механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, Фуқаролик-процессуал ва Хўжалик-процессуал кодексларига муай-



ян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, янги нормаларга кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Эндиликда, нафақат ишларни апелляция тартибда кўриш жараёнида, балки кассация инстанцияси судида иш кўриш босқичида ҳам ушбу қоида амал қилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Фуқаролик-процессуал кодексининг 93, 94, 131, 331, 368-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, суд томонидан суд топшириғи юборилган бўлса, ишни кўраётган судларга иш юритишни тўхтатиш ҳуқуқи берилди.

Фуқаролик-процессуал кодексининг "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари" деб номланган 131-моддаси эса учинчи қисм билан тўлдирилди. Яъни ўта мураккаб ишлар бўйича

мазкур муддат судьянинг асослангандир. Ажри-мига кўра икки ойгача узайтирилиши белгиланди.

Фуқаролик ишини апелляция тартибда кўриш муддатларига ҳам ўзгартиш киритилди. Хусусан, Фуқаролик-процессуал кодекси 368-моддаси куйидаги тахрирда баён этилди: "Ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин".

Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи эга эканлиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги мустақамлаб қўйилган. Шу конституциявий норма негизида ўтган даврда фуқаролар мурожаати институтининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, "Жисмой ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Илгари амалда бўлган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги

қонундан фарқли равишда "Жисмой ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун давлат органлари ва давлат муассасаларига нафақат жисмоний, балки юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади. Хусусан, Қонуннинг 3-моддасида жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқи эга экани белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 4-моддасида мурожаатларнинг шакллари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Қонуннинг 6-моддасида эса электрон мурожаатга қўйилган талаблар ўз ифодасини топган.

Муқаддам амалиётда фуқароларнинг давлат органларига мурожаатини кўриб чиқишни уларнинг суд органларига мурожаатлари, масалан, фуқаролик ишлари бўйича судларга тақдим этган даъво аризаси ёки шикоятини кўриб чиқиш тартиби билан ўзаро чалкаштириш ҳолатлари кузатилар эди. Эндиликда, аввалги қонундан фарқли равишда, ушбу Қонунда унинг амал қилиш соҳалари ҳам аниқ белгилаб берилди.

Жумладан, "Жисмой ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун асосида мурожаатларни кўриб чи-

қиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган муурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур Қонун давлат органларининг, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан ҳам татбиқ этилмайди.

Мазкур Қонунда назарда тутилган нормаларнинг амалда татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда бу борада мансабдор шахслар масъулиятини ошириш мақсадида, 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тегишлича жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Ўтган йилда миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатларини таъминлаш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган

ни ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келинаётгани ушбу соҳа билан боғлиқ қонун ижодкорлиги ривожига муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 18-1-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилнинг мураккаблаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек, уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган қонун ҳужжатлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга кириши мустаҳкамланди.

Қонуннинг 30-моддасига қуйидаги қўшимча киритилди: "Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган, тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган, уларнинг расмий веб-сайтларида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали

эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди".

Ўз навбатида, юқорида тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан белгиланган кафолатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 241-1-моддасининг янги таҳрири қабул қилинди. Шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунга тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Хулоса ўрнида ўтган давр мобайнида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга кенг татбиқ этилганини қайд этиш зарур. Табиийки, 2015 йилда ҳам Концепцияда илгари сурилган қонун ижодкорлиги жараёнлари изчил давом эттирилади. Бунда Парламентимиз янги сайланган таркибининг самарали фаолияти ва ишчанлиги муҳим аҳамият касб этиши тайин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани амалда қутилган самараларни бермоқда.

# Мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонуний кафолатлари янада такомиллаштирилди

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди*

Шу маънода жорий йилнинг 4 декабрида матбуотда эълон қилинган **"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу янги қонун 5 та боб, 31 та моддадан иборат.

Айтиш керакки, қонуннинг 2-моддасида ушбу қонуннинг амал қилиш тартиби, яъни кўриб чиқиш

тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.

Чунки маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари ушбу қонун давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ёзишмаларига нисбатан ҳам татбиқ этилмайди.

Шунингдек, қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жис-

моний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби белгиланган. Мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари қайд этилган. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ушбу янги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Шу ўринда газетхонда шундай ҳақли савол туғилиши мумкин: ушбу қонуннинг аввалги — "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонундан қандай фарқли жиҳатлари бор?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети фақатгина фуқаро-

ларнинг мурожаатлари ташкил этгани ҳолда, юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш қамраб олинмаган эди. Шу маънода, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, умуман олганда, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Демак, ушбу қонун билан, биринчидан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда. Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Германия, Канада, Норвегия, АҚШ, Швейцария давлатларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Иккинчидан, мурожаатнинг шакли сифатида электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди.

Учинчидан, қонунда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартибини давлат

органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказиш белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, ушбу қонуннинг 8-моддаси, 5-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бешинчидан, янги қонунда шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш имонини берадиган махсус техника воситалари қўлланилиши, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор

шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни, қонун талабига кўра, ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Шунингдек, ушбу янги қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамланди.

Бунда мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги лозим.

Қонунда мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида, мурожаатларни бир йилда камида бир марта умумлаштириши ва таҳлил қилиб бериши белгиланди.

Юқорида баён этилган ана шу ҳуқуқий кафолатлар аввалги қонунда мавжуд эмас эди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳаётда айрим мутасаддилар томонидан мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда сансалорлик ва расмиятчиликка йўл қўйиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида барта-

раф этмаслик каби ҳолатлар ҳам учраб туради.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, янги қонунда тегишли меъёрлар белгиланди. Жумладан, давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишда Конституциямиз ва амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этиши, мурожаатларни холис ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун зарур чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Шунингдек, қонунда мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, улар электрон ёки оғзаки бўладими, бир хил аҳамиятга эгаллиги мустаҳкамланди. Қонунга кўра, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларга эга электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг

хавфсизлиги кафолатлари ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Айтиш керакки, ушбу янги қонунда мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Ўрни аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмасдан қолдирилади.

Жисмоний шахснинг исм-фамилияси, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери, почта манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўшимча кафолатлари белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, давлат органларининг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

## Muloqot

**Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қандай тартиб асосида қайтариб олиш мумкин?**

**Б.БЕКМУРАТОВ,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси,  
Хўжайли тумани

— Маълумки, Ер кодексининг 91-моддасига асосан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга гайриқонуний равишда эгаллик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра, қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 13-14 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ўн олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам маъқулланди. Ушбу қонун 2014 йилнинг 5 декабрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

# Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш – давр талаби

**Зафар РЎЗИЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент*

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан амалдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартишлардан бири ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан иборат бўлган шахсларнинг, судьялар ва прокуратура органлари даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларининг пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлиб, ушбу тоифадаги ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан

белгиланиши, шунингдек, уларга "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган асосларда пенсия олиш ҳуқуқи ҳам берилиши назарда тутилди.

Бунда ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслари, судьялар ва прокуратура органларининг даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга ходимлари пул таъминотининг барча турлари фуқароларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади.

Шунингдек, қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартибига ҳам тегишли ўзгартиш киритилди.

Хусусан, мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақи, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охириги ўн йили давомидаги исталган кетма-кет беш мавсумдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдо-

рини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланиши белгиланди.

Шунингдек, ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175 ва 264-моддаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, кодекснинг 175-моддасига киритилган қўшимча солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари ушбу қонун билан Солиқ кодексининг ҳам бир қатор моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

биринчидан, ушбу ўзгартишлардан бири солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби билан боғлиқ бўлиб, эндиликда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этадилар.

Иккинчидан, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари билан боғлиқ бўлиб, эндиликда юридик шахслар билан бир қаторда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам давлат солиқ хизмати органига ёзма

билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Учинчидан, Солиқ кодексининг "Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари" деб номланган 84-моддаси тўртинчи қисмида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига кўра, маълумот бериши, шунингдек, ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда — мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, ушбу янги қонун билан ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартибига ҳам ойдинлик киритилди. Хусусан, солиқ агентлари асосий бўлмаган иш жойидан даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда, солиқ даври туганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига маълумотнома тақдим этиши шартлиги белгиланди. Ўз навбатида, ушбу маълумотномада солиқ тўловчининг — жисмоний шахснинг идентификация рақами; солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш манзили; ўтган солиқ даври

якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган умумий суммаси; солиқ агентининг идентификация рақами; солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили) акс эттирилади.

Айтиш керакки, янги қонун билан Солиқ кодексига киритилган навбатдаги янгилик ҳисобот даври билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, ҳисобот даври қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун — йил чораги ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун — бир ой қилиб белгиланди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 225-моддаси биринчи қисмига киритилган янгиликка кўра, қўшилган қиймат солигининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бундан ташқари суюлтирилган газни ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари истеъмолчиларга нафақат автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари орқали, балки биржа орқали ҳам реализация қилинишини инобатга олиб, Солиқ кодексининг 301-моддаси биринчи қисми қуйи-

даги таҳрирда баён этилди:

"Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар охирги истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслардир".

Мазкур янги қонун билан Солиқ кодексига киритилган қўшимчалардан яна бири имтиёзлар билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, ягона ижтимоий тўлов қуйидагиларга нисбатан, яъни:

- Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминотиغا, пул мукофотларига ва бошқа тўловларга;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари, шунингдек, прокуратура органларининг мансаб даражаларига (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларининг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадларига ҳисоблаб чиқарилмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши 2015 йил учун тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштиришга хизмат қилади.



Мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ, қонуний манфаати ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жиноят процессига апелляция инстанцияси, ярашув институтининг киритилиши, 2008 йилдан бошлаб, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши каби муҳим чора-тадбирлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳияти ҳам айнан инсон ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган.

# Жиноят процессуал қонунчилигида айбга иқрорлик битими институти

уни қўлланиш доирасини янада кенгайтириш тўғрисида баъзи таклифлар

**Гулчехра ТўЛАГАНОВА,**  
*юримик фанлар доктори*

Хусусан, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенглиги таъминланди, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги қоидалар қонунчиликка татбиқ этилди, жиноят процесси иштирокчиларига ҳам бир қантор енгилликлар яратилди, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, ҳимоячи далиллар тўплаш учун қўшимча ҳуқуқларга эга бўлди. Жумладан, 2012 йил 18 сентябрда Жиноят процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби қонунан мустаҳкам-

ланди.

Айтиш керакки, жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг содир этилган қилмишдаги жиноий иштирокини ихтиёрий тарзда бўйнига олиши айбга иқрорлик дейилади.

Иқрорликка баҳо бериш исботлаш назариясидаги энг баҳсли масалалардан бири ҳисобланади ва у ўзига хос тарихий ривожланиш даврини бошдан кечирган. Ўрта асрларда Европа давлатларида уни "далилларнинг қироличаси" деб таърифлаб, иқрорликнинг фақат бир ўзи шахсни жазолаш учун етарли асос деб ҳисобланган ва унга эришиш учун кўплаб қийноқ усулларидадан фойдаланилган. Кейинроқ эса, иқрорлик ва умуман шахснинг бошқа мазмундаги кўрсатмаларига ишонмаслик, фақат "тилсиз гувоҳ" деб ном олган ашёвий далилларга асосланиб ҳукм чиқариш амалиёти тарқала бошлади.

Маълумки, айбга иқрорликка эри-

шиш собиқ шўро тузумида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунончи, оммавий қатағон йилларида шахснинг айбига иқрор бўлиши учун расмий равишда уларга нисбатан "жисмоний таъсир" кўрсатиш усуллари қўлланилган. Ана шундай нопок усуллар оқибатида шахс ноилож қотиллик, ўғирлик, порахўрлик каби аслида содир қилмаган оғир жиноятларга ҳам "иқрор" бўлган. Натижада ўта мудҳиш ижтимоий адолатсизлик юз бериб, зиёли, эрксевар кишиларига "халқ душмани" деган тамға босилган ҳамда улар қатағон қурбонига айланганлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бундай салбий ҳолатларга бутунлай барҳам берилди. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларида ҳам айбга иқрорлик тўғрисидаги қоидалар келтирилган. Қонуннинг гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатмаларини баҳолаш тартибини белгилайдиган 112-моддасида айбга иқрорлик мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги кўрсатилган. Кодекснинг 113-моддасида айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан мурожаат қилиш тартиби мустаҳкамланган. 439-моддада эса, суд терговининг айблов хулосаси ўқиб эшиттирилганидан кейин судланувчидан айбига иқрор ёки иқрор эмаслигини сўрашдан бошланиши белгиланган. Жиноят процессуал кодексининг 585-моддасига кўра, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича суд муҳокамасида суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини аниқлаши лозим.

Демократик ҳуқуқий давлатда айбга иқрор бўлиш шахснинг ижобий хулқ-атворидан дарак беради, унинг

бошқалар олдидаги ўз ахлоқий ва ҳуқуқий бурчини тўғри англаши натижаси ҳисобланади. Ўз айбига иқрор бўлувчи ва бу иқрорликни қабул қилувчи шахслар ўртасида муайян ҳуқуқий муносабат ва ўзаро масъуллик бор. Ҳар қандай иқрорлик икки тарафга, уларнинг бир-бирлари билан низолашувига алоқадор. Низо эса, одатда, улардан бирининг айби билан юз беради. Низолашувчиларнинг ҳар бири ўзини ҳақ экани, қарши тарафнинг айби борлигини исботлашга интилади. Айбдор тарафнинг иқрорлиги иккинчи тарафга ҳақиқатни аниқлашда маълум имкон беради.

Жиноят-процессуал қонунчиликка киритиш таклиф этилаётган айбга иқрорлик битими деганда, айбланувчининг ишни юритишга ваколатли органлар ёки судга айбига иқрорлик тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши ва икки томон ўртасида тузиладиган келишув шартномаси назарда тутилади. Бундай битим, бизнесингча, ишнинг дастлабки босқичларида тузилиши керак, чунки дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, яъни тергов ҳаракатлари ўтказилган ва керакли далиллар тўплаб бўлинган, айблов хулосаси чиқарилгандан кейин айбга иқрорлик тўғрисидаги ариза ҳар томондан текширилиши, баҳоланиши мумкин ва бундай битим тузишга ўрин қолмайди.

Фикримизча, айбга иқрорлик битими институтининг жиноят процессига татбиқ этилиши қуйидаги ижобий натижаларни беради:

а) жиноят процессининг бошланғич даврида айбга иқрорлик битимини тузиш ишни соддалаштирилган тартибда юритишга имкон яратади;

б) дастлабки тергов вақтида айбланувчига қўшимча ҳуқуқ кафолатланиб, унга кўра, мазкур шахснинг

ишни суд муҳокамасига соддалаштирилган тартибида иш кўриш юзасидан илтимосномасига асосан жиноят иши қисқа муддат ичида кўриб чиқилади;

в) суд муҳокамасини ўтказиш учун сарфланадиган маблағлар, вақт тежаллади;

е) жиноят ишини юритишга масъул органлар ва суднинг жиноятларни очиш ва ишни ҳал этиш бўйича кўрсаткичлари ортади.

Шу ўринда айбга иқрорлик битими билан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтамиз. Маълумки, жиноят содир этган шахснинг тўғридан-тўғри айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишига эришиш анча мушкул. Бунинг учун қонунчиликда унга нисбатан қўшимча кафолатлар белгиланиши, енгилликлар яратилиши лозим.

Жиноят процессуал кодексининг 213-моддасида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар кўрсатилган бўлиб, унга кўра, жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни bajarмаётган бўлса, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчининг келгусидаги жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидир.

Айбга иқрорлик битимини тузишда гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини кафолатлаш, енгилликлар яратишнинг усулларида бири уларга нисбатан жиддий процессуал мажбурлов чоралари қўлланмасликдир. Фикримизни асослаш учун қуйидаги асосларни келтирамиз:

1) ихтиёрий тарзда айбни бўйнига олиш тўғрисидаги ариза билан му-

рожаат қилинганлиги учун тергов ҳаракатлари ўтказилмайди, яъни бу тоифадаги ишларда "тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш" деган асос йўқ;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи жиноят процессига ихтиёрий равишда айбга иқрорлик битимини тузишдан манфаатдор бўлиб, ўзларига юклатилган барча мажбуриятларини сўзсиз адо этишини, жиноят йўлига адашиб кириб қолганлигини, барча масъулиятни ҳис қилишини, жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлашга ҳожат йўқлигини англатади;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик битимини тузиш вақтида ўзига нисбатан ушлаб туриш ёки қамоққа олиш каби процессуал мажбурлов чоралари қўлланишини билса, у айбини ихтиёрий равишда бўйнига олмайди.

Демак, айбга иқрорлик битими институтини жиноят процессига жорий этишнинг муҳим шартларидан бири бундай шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш тарзидаги жиддий процессуал мажбурлов чораларини қўлламасликдан иборат.

Айбга иқрорлик битимини тузишда содир этилган қилмиш учун жазо тайинлаш амалиёти ҳам оддий ишлардан фарқ қилиши лозим. Бизнингча, айбга иқрор шахсларга содир этган қилмиши учун Жиноят кодексига назарда тутилган жазо муддатининг учдан бир қисми ёки ярмиси тайинланиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари айбга иқрорлик битими орқали озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда эмас, манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда ўташ тартиби қонунчиликка киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Айтиш керакки, мақсади ва моҳи-

ятига кўра, жиноят процессида иштирок этаётган шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг жиноят-процессуал кафолатлари демократик кафолатлар ҳисобланади ва одил судлов вазибаларининг муваффақиятига омил бўлади.

Жиноят-процессуал кафолатлар, масалан, айбланувчи (судланувчи)-нинг суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва судни нотўғри йўлга бошлаш, содир этилган қилмишга лойиқ жазодан қутулиб қолиш хусусидаги уринишларини муҳофаза қилиши мумкин эмас. Шунинг учун жиноят судлови иштирокчиларига ўз манфаатларини ҳар қандай эмас, балки фақат қонунда кўзда тутилган восита ва усуллар орқали ҳимоя қилишга имконият яратилади.

Жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг процессуал тизимида: мансабдор шахслар — суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари ва жиноят процессида иштирок этаётган ҳар бир шахсга берилган ҳуқуқлар йиғиндиси муҳим ўрин тутаети.

Процессуал кафолатларнинг мазмуни юқорида тилга олинган элементлар билан чекланмайди, лекин таъкидлаш муҳимки, барча элементлар ўзаро боғланган ва бир-бирини таъминлайди. Масалан, прокурорнинг айбланувчига айб эълон қилиш мажбурияти айбланувчининг нимада айбланаётганлигини билиш ҳуқуқининг кафолатларидан биридир.

Демак, қонунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятларини кенг, аниқ баён

этилиши бу ҳуқуқ ва манфаатларни қўшимча кафолатлашга хизмат қилаети.

Жиноят процессида айбга иқрорлик масалаларини таҳлил этиш ҳам муҳимдир. Жиноят процессуал кодексининг 112-моддасида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ўз айбига иқрорлиги мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши кўрсатилган. Лекин процессуал қонунда айбига иқрор бўлган шахсларга қандай имтиёзлар яратилиши ва ишини юритаётган органлар бу ҳолатларда қандай мажбуриятларни адо этиши очиқ қолдирилган. Агар қонунчиликда шахснинг айбига иқрор бўлишидан манфаатдорлиги кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Жиноят процессуал кодексининг 113-моддасида айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз — ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабари эканлиги, бундай аризани қабул қилиб олиш ва баҳолаш тартиби мустаҳкамланган. Содир этилган жиноий ҳаракатлар арз қилган шахс ҳаракатларига айнан ўхшаш бўлиши, ушбу ҳаракатлар ўзида жиноят таркибини мужассам этиши бундай ҳужжатнинг зарурий хусусияти ҳисобланади.

Айбини бўйнига олиш ҳақидаги ариза ўз-ўзидан жиноий жавобгарликдан халос этмайди. Бундан ташқари айбини бўйнига олиш ҳақидаги аризани сўроқ пайтида ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш ҳолатларидан фарқлаш керак. Агар айбини бўйнига олиш ҳақидаги аризани текшириш натижасида фактлар инкор этилса, бу айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза сифатида тан

олинмайди. Бундан ташқари берилган аризада жиноят таркибининг йўқлиги аниқ кўриниб турган ва у қўшимча текширув ўтказишни талаб қилмаса, у ўз ҳуқуқий мақомини йўқотади.

Қонундаги айбга иқрорлик бошқа далиллар мажмуи орқали текширилиши лозимлиги таъкидланган. Бу айбга иқрорликни текширишга, баҳолашга ва айбини бўйнига олган шахснинг ўзига ҳам маълум бўлмаган иш ҳолатларини аниқлашга имкон беради.

Ихтиёрий равишда айбига иқрорлик кўрсатмалари олиш жиноят судлов ишлари муваффақиятини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Масалан, бир жиноятни содир этишда кўплаб шахслар гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида жалб этилган бўлса, улардан бирортасининг айбига иқрорлик кўрсатмаларини бериши қолган иштирокчиларни гумондан, айбловдан, жиноий таъқибдан озод этади. Ёки баъзи жиноят ишларини ҳал этиш учун ўнлаб тергов версияларини тузиш, зарур ва нозарур тергов ҳаракатларини ўтказиш ва, албатта, бу ҳаракатларни амалга ошириш учун вақт ва катта маблағ сарфлаш талаб этилади. Ихтиёрий тарзда айбига иқрорлик кўрсатмаларини олишга эришиш эса, терговга аниқ йўналиш берилишига, вақт ва маблағларни тежашга олиб келади.

Лекин ҳар қандай гумон қилинувчи ёки айбланувчидан уларнинг ҳуқуқларини кафолатламасдан туриб, ихтиёрий тарзда айбига иқрорлик кўрсатмаларини олиш анча мушкул. Бизнингча, бунинг учун жиноят-процессуал қонунчиликка бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, жумладан, Жиноят процессуал кодексининг гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган 46, 48-моддаларида айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган шахслар учун қўшимча ҳуқуқлар белгиланиши, ишни юритишга масъул бўлган органлар зиммасига эса, ушбу ҳуқуқларни тушунтириш мажбурияти юкланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликни мазкур қоидалар билан тўлдирилиши жиноят процессида манфаатдор иштирокчилар — айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлашга, жиноят процесси олдида турган вазифаларни адолатли, самарали ҳал этишга ҳамда жиноят судлов ишларини судда кўришнинг тезкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Muloqot

**Айтинг-чи, адвокатлар хизматига ҳақ тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?**

**Н.ҚОДИРОВ,**

Наманган вилояти,  
Чуст тумани

— Маълумки, "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига кўра, адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Адвокатлар палатасининг юридик маслаҳатхонани ташкил этган ҳудудий бошқармаси ушбу юридик маслаҳатхонанинг таъминоти учун қўшимча маблағлар ажратади.

Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

**Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка ушбу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса, эътироф этилиши мумкин.**

Э.Абдуғаниев судга Н.Абдурахмонова ва бошқаларга нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўз даромадлари ҳисобидан ўзига тегишли ҳовлидан ўғли А.Абдуғаниевга уч хонали уй-жой қуриб берганини, 2010 йил 13 сентябрда ўғли А.Абдуғаниев вафот этганини, шундан сўнг келини Н.Абдурахмонова туман ҳокимлиги, нотариал идора ва кадастр хизмати ходимларини чалғитиб, мазкур уй-жойга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи туман ҳокимининг қарорини чиқартириб, шу қарор асосида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олганини баён қилиб, туман ҳокимининг қарорини, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ва кадастр ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 13 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, Э.Абдуғаниевнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2011 йил 31 декабрдаги қарори, 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан 2012 йил 2 февралда берилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 20 майдаги ажрими билан суд қарорининг туман ҳокимини қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш қисми бекор қилиниб, шу қисмида даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 11 ноябрдаги ажрими билан вилоят суди

ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, А.Абдуғаниев Н.Абдурахмонова билан 2009 йил 20 апрелда қонуний никоҳдан ўтиб бирга яшаган, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор. У оиласи билан отаси Э.Абдуғаниевга тегишли ҳовлида қурилган уч хонали уй-жойда яшаб келган. 2010 йил 13 сентябрда вафот этган.

Фуқаролик кодексининг 212-моддаси 4-қисмига кўра, шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка ушбу шахсга белгиланган тартибда бериладиган бўлса, эътироф этилиши мумкин.

Аниқланишича, низоли бўлган уч хонали уй-жой 1998 йилда Э.Абдуғаниев ва унинг ўғли А.Абдуғаниев томонидан ўзбошимчалик билан қурилган бўлиб, уй-жой қурилган ер майдони уларга тегишли тартибда ажратиб берилмаганлиги сабабли биринчи инстанция суди туман ҳокимининг 2011 йил 31 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топган.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида"ги қарори 4-бандига кўра, мерос таркибига фақат мерос қолдирувчига қонуний асосларда тегишли бўлган мулк кириши туфайли, ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тарзда расмийлаштирилмаган иморатлар мерос таркибига фақат марҳумнинг мазкур иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда эътироф этилган ҳолда киритилади.

Биринчи инстанция суди туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топилганлигидан келиб чиқиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида асосли хулосага келган.

Бироқ апелляция инстанцияси қонун

талабларини инobatга олмасдан, Э.Абдуғаниевнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги асоссиз хулосага таяниб, туман ҳокимининг қонун талабига мувофиқ бўлмаган қарорини кучида қолдириб, ҳаттоликка йўл қўйган.

*6-320-14-сонли ажрим*

**Суднинг хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.**

Муҳайё Мақсудова судга Раҳмат Мақсудов ва бошқаларга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, "Яшнобод" маҳалла фуқаролар йиғини, Улуғбек кўчаси 48-уйга нисбатан чиқарилган туман ҳокимининг 2012 йил 15 октябрдаги қарорини ва 2012 йил 28 октябрдаги меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ни бекор қилишни, жавобгар Р.Мақсудов билан турмушлари давомида сотиб олинган "Матиз" русумли автомашинани умумий мулк деб топишни, низоли уй-жойга нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Ўз навбатида Бахтиёр Мақсудов ва бошқалар М.Мақсудовага нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарни фарзандлари билан низоли уйдан кўчиришни ва ўзларини уйга киритишни сўраганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2013 йил 25 июндаги ҳал қилув қарори билан М.Мақсудовнинг талаблари рад этилиб, низоли автомашинани юзасидан тергов ҳаракатлари якунлангач, судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Б.Мақсудов ва бошқаларнинг қарши даъвоси қаноатлантирилган.

М.Мақсудова фарзандлари билан "Яшнобод" маҳалла фуқаролар йиғини, Улуғбек кўчаси 48-уйдан мажбурий тартибда кўчирилган ва Д.Мақсудова оила аъзолари ушбу уйга киритилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 19 августдаги ажри-

ми билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 26 декабрдаги ажрими билан ишни кўришда суд томонидан моддий ва процесуал ҳуқуқ нормалари бузилгани натижасида нотўғри хулосага келинганлиги сабабли суд қарорларининг уйдан кўчириш ҳақидаги қисмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қисми бекор қилиниб, ушбу даъво ни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди. Чунки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия қўмитасининг 1986 йил 8 декабрдаги 163-сонли қарорига асосан 2000 йил 24 январда вафот этган Н. Мақсудовга уй-жой қуриш учун туманнинг "Яшнобод" маҳалла фуқаролар йиғини, Улуғбек кўчаси 48-уй манзилида ер участкаси ажратилган.

М.Мақсудова Р.Мақсудов билан 1992 йил 25 февралда қонуний никоҳдан ўтган ва 1993 йилдан шу уйда яшаб келганлар.

Туман ҳокимининг 2012 йил 15 октябрдаги 794-сонли қарори билан 48-уйнинг умумий фойдаланишидаги 600 кв.м. ер участкасида жойлашган А, А1, А2, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, И1, К, а) ва б) ифодалар билан белгиланган бино ва иншоотларга Н. Мақсудовнинг эгаллик ҳуқуқи белгиланган ва 2012 йил 28 октябрда унинг ўғли Б.Мақсудовга қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилган.

Б.Мақсудов уйни 2013 йил 4 апрелда Дилноза Мирзаевага сотган бўлиб, олди-сотди шартномасининг 6-бандига кўра, сотилаётган ушбу уй-жойда Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан рўйхатда турган шахслар уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши кўрсатилган.

М.Мақсудова 1997 йилда доимий рўйхатдан ўтиб ҳозирга қадар ушбу уйда уч нафар фарзанди билан яшаб келган, у ва фарзандлари низоли уйдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлсада, суд уларни низоли уйдан кўчириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси ушбу ҳолатларга эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш билан чекланган.

*6-392-14-сонли ажрим*

**Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги суд қарорларининг бекор қилишига асос бўлади.**

Насиба Эргашева судга Фарҳод Каримов ва Гулҳаё Аҳмедовага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2009 йил 30 июнда Алишер Навоий номидаги кўчада жойлашган 115-уйни Ф.Каримов билан 45.000 АҚШ доллариға сотиб қилишга келишиб, шундан 2013 йил март ойига қадар жавобгарга жами 30.000 АҚШ доллари берганлигини, бироқ у турли баҳоналар билан шартномани нотариал тартибда расмийлаштиришни пайсалга солаётганини қайд этиб, ўрталарида низоли уй хусусида 2009 йил 30 июнда тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Ўз навбатида Г.Аҳмедова судга Н.Эргашевага нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, уни оила аъзолари билан уйдан кўчиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2013 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Н.Эргашеванинг даъвоси рад этилиб, қарши даъво қаноатлантирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 23 майдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 18 декабрдаги ажрими билан қуйидагиларга кўра, мазкур иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, низоли уй жавобгар Г.Аҳмедовага тегишли бўлиб, унинг турмуш ўртоғи Ф.Каримов томонидан ёзилган тилхатда Н.Эргашевага 123.750.000 сўмга сотгани ва ҳамма пулни олганидан кейин расмийлаштириб бериши кўрсатилган. Бироқ тилхатда айнан қандай мулк сотилганлиги ва уни тавсифловчи хусусиятлари ҳамда тилхат ёзилган сана кўрсатилмаган.

Шунингдек, жавобгарлар томонидан

ёзилган яна бир неча тилхатлар билан даъвогардан жами 30.100 АҚШ доллари олганликлари тасдиқланган.

Суд даъвони рад этиш ҳақида хулосага келишда Ф.Каримов томонидан ёзилган фақат биргина тилхатга ҳуқуқий баҳо бериб, у томонидан ёзилган айнан низоли уйни сотганлиги ҳақидаги иккинчи тилхатга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Шунингдек, дастлабки суд мажлисида жавобгар Г.Аҳмедова ҳам Н.Эргашева уй учун уларга 30.100 АҚШ доллари тўлаганлиги, уй пулини икки ойда тўлиқ беришни ваъда қилиб, бермаганлиги сабабли 4-5 йил давомида зарар кўрганликлари, уйни турмуш ўртоғи сотганлигини билиши, ҳозирда уйни сотмаслигини кўрсатган. Кейинги суд мажлисларидаги кўрсатмаларида эса, у низоли уйни турмуш ўртоғи сотганлигидан беҳабар эканлигини, лекин Н.Эргашева тўлаб келган пулларнинг бир қисмини ўзи олганлигини, аммо пулни нима мақсадда олганликларини билмаганлигини билдирган.

Суд жавобгарларнинг кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликларни барта-раф этиш чорасини кўрмаган ва низога аниқланган барча далиллар асосида ҳуқуқий баҳо бериш лозимлигиға эътибор қаратмаган.

Суд даъвони рад этиш ҳақида хулосага келишда Фуқаролик кодексининг 225-моддаси талабларига асосланган бўлиб, ушбу модданинг 2-қисмиға кўра, биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилиши лозимлиги, лекин Ф.Каримов уйни Г.Аҳмедованинг розилигисиз сотганлини кўрсатган бўлса-да, низоли уй Г.Азимованинг Ф.Каримов билан биргаликдаги турмушлари давомида орттирилган мулк эканлиги ҳақидаги далилларни текширмасдан, эр-хотиннинг умумий мулкни тасарруф этиши Оила кодекси нормалари билан тартибга солинишиға эътибор қаратмаган.

Шунингдек, суд томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддаси 2-қисми 4-банди талаблари бузилиб, ишни кўришда Н.Эргашеванинг низоли уйда яшаб келаётган вояға етган фарзандлари Санжар ва Шерзод Эргашевларни ишға жалб қилинмаган.

6-336-14-сонли ажрим



## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

### **Жиноят процессуал кодексининг 487-моддаси талабларига риоя этилмаганлиги сабабли апелляция инстанцияси ажрими бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2012 йил 11 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2012 йил 15 ноябрдаги ҳукмига асосан, Т. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари, 25,168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари, 188-моддаси 3-қисми "а", "б" бандлари, 189-моддаси 3-қисми, 28, 189-моддаси 3-қисми, 190-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 209-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари, 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 228-моддаси 3-қисми билан Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. Сирдарё туманидаги хусусий уруғчилик ишлаб чиқариш тижорат фирмаси мансабдор шахслари билан уюшган гуруҳга бирлашиб, 2011 йил февраль ойида маҳаллий тарвуз ва бодринг уруғларига озиқ-овқат бўёқлари ёрдамида турли ранг беради. Сўнг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун талабларини бузиб, қадоқлаш, маркалаш ва сақлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни олмасдан, 204.700.000 сўмлик сабзовот ва полиз экинлари уруғларини хориждан келтирилган юқори сифатли уруғлар сифатида турли савдо белгилари ва қайд этилмаган ҳимоя белгилари туширилган пакетлар ва импорт идишларга қалбакилаштирилган ҳолда қадоқлайди-да, 45.780.000 сўмлик уруғларни шартномалар асосида бир нечта хўжалик субъектла-

рига сотади, фирибгарлик қилиб, қалбаки усулда тайёрланган 158.768.000 сўмлик уруғларни сотишга улгурмасдан, фирибгарлик содир этишга суиқасд қилганликда; 2011 йил март-апрель ойларида қалбаки усулда тайёрланган уруғларни сотишдан келиб тушган пул маблағларини сохта ҳужжатлар асосида бошқа хўжалик субъектлари ҳисоб рақамига кўчириб нақдлаштириб, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликда айбдор деб топилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, дастлабки тергов даврида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун айбдор шахслар томонидан тергов органининг депозит ҳисоб рақамига 73.244.780 сўм топширилган. Суд ҳукми билан ушбу маблағлар зарар кўрган хўжалик субъектлари ҳисоб рақамларига ўтказилиб, зарарлар тўлиқ қопланган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми талабига кўра, моддий зарар қопланган тақдирда айбдор шахсга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилмайди.

Бироқ суд зарар қопланган бир пайтда Т.га нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари билан, шунингдек, ҳуқуқий оқибатида кўра, тугалланмаганлиги сабабли моддий зарар етказилмаган бўлса-да, Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинлаган.

Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги асосий жазо билан мажбурий равишда қўлланилиши назарда ту-

тилган бўлсада, суд Т.га нисбатан Жиноят кодексининг 28,209-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлагани ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазосини тайинламай хатога йўл қўйган.

Жиноят процессуал кодексининг 487-моддаси 2-қисми 5-бандига кўра, ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаслиги Жиноят процессуал кодексини талабини жиддий бузиш ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси қонун талабларига риоя қилмасдан, ишни кўриш жараёнида, ҳимоячиси бўлмаган Т.га ҳимоя нутқи учун сўз бермасдан Жиноят процессуал қонуни нормаларини жиддий бузилишига йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 18 декабрдаги ажрими билан Т.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

*Назорат иши № 5-244-14*

**Дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаган иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.**

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 25 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2014 йил 16 январдаги ҳукмига асосан, Ж. Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди, Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 3-қисми 1-банди тартибида 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган. Ж.дан

жабрланувчи К. фойдасига 17.400.000 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж. "Фаровон" кредит уюшмасида гаровда турган "Нексия" русумли автомашинани тақиқдан чиқариш мақсадида К.нинг ишончига кириб, ўзи уюшмадан олган 25.000.000 сўмлик кредит маблағининг 17.400.000 сўмини ёпиб бериш учун К.нинг уюшма ҳисобида турган 17.400.000 сўмлик маблағини қарз сифатида олиб, қайтармасдан фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбдор деб топилган.

Жиноят процессуал кодексининг 379-моддасида айблов ҳулосасида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар, айбланувчига эълон қилинган айбловнинг мазмуни, баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши белгиланган.

Дастлабки тергов органи айблов ҳулосасида Ж.га нисбатан эълон қилинган айблов мазмунини палапартиш ва тушунарсиз баён этган бўлса, биринчи инстанция суди мазкур хатони тузатиш чорасини кўрмасдан, ҳукмнинг тавсиф қисмига айбловни тўғридан-тўғри кўчириб қўйган.

Дастлабки тергов ва судда, Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига риоя этилмасдан, иш бўйича жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилмаган.

Ж. дастлабки тергов ва судда "Фаровон" кредит уюшмаси бош ҳисобчиси И. гаровдаги автомашинасини чиқариш учун омонатчи К.га 17.400.000 сўм олгани ҳақида тилхат ёзиб берса, автомашинасини жарима майдончасидан чиқариб беришини айтгач, у бунга рози бўлиб, И. иккиси К. билан учрашиб, уни ишонтиришиб, қарзга берадиган пулини сентябрь ойига қадар қайтариб бериши тўғрисида тилхат ёзиб бергани, аслида 17.400.000 сўм олмага-

ни ҳақида кўрсатма берган.

Жабрланувчи К. ва гувоҳ С. дастлабки тергов ва судда, Ж.нинг кўрсатмасини тасдиқлаб, бош ҳисобчи И.нинг таклифи билан Ж.га 17.400.000 сўм қарз беришгани ҳақида кўрсатма беришган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Ж.га 23.000.000 сўм кредит ажратилишига 2011 йил 13 июндаги 116-сонли кредит шартномаси асос бўлган бир вазиятда, иш учун аҳамиятли бўлган кредит шартномаси ҳамда шу кунги гаров шартномасини расмийлаштиришга оид давлат нотариал идораси ҳужжатлари ишга қўшилмаган.

Жиноят иши материалларидаги Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси бошлиғининг хатида, "Фаровон" кредит уюшмасига Ж. томонидан "Нексия" русумли автомашина гаровга қўйилиб, унга деҳқончилик фаолиятини ривожлантириш учун 2011 йил 13 июнда 23.000.000 сўмлик кредит ажратилгани, бироқ кредит қўмитаси йиғилиши баённомаси қўмитараиси ва унинг аъзолари томонидан имзоланмагани, Ж. ажратилган 23.000.000 сўмдан фақат 5.000.000 сўм олгани, "Фаровон" кредит уюшмаси ходимларига нисбатан олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида уюшма Ж. 18.000.000 сўм олганини тасдиқловчи ҳужжатларни тергов органига тақдим қилмагани, бундай ҳужжатлар Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасида ҳам мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Шундай ҳолатда, дастлабки тергов органи И.ни иш юзасидан сўроқ қилмасдан, уни Ж., К. ва С. билан юзлаштирмасдан, Ж.нинг ўзига ажратилган 18.000.000 сўмлик кредит маблағини олмаганлиги сабабларини текширмасдан туриб, ишнинг И.га оид қисмини Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатиш ҳақида барвақт ху-

лосага келган.

Бундан ташқари жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2012 йил 8 августдаги ҳукмига кўра, "Фаровон" кредит уюшмасининг ижрочи директори А. ва бошқалар С.нинг 23.000.000 сўм омонат пулларини фирибгарлик йўли билан қўлган киритганликда айбдор деб топилиб, С.га етказилган зарарнинг 17.400.000 сўми қопланганлиги сабабли, қолган 7.600.000 сўмни судланган А. ва бошқалардан жабрланувчи С.га ундириш белгиланган.

Дастлабки тергов органи эр-хотин К. ва С.га "Фаровон" кредит уюшмаси ходимлари томонидан 23.000.000 сўм зарар етказилгани ҳолати юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжудлигидан хабардор бўлган бир вазиятда, мазкур иш бўйича К.ни қайтадан жабрланувчи деб топиб, унинг кредит уюшмаси ҳисобида турган 17.400.000 сўм маблағини Ж. фирибгарлик йўли билан қўлга киритган деб топиб, қўпол хатоликка йўл қўйган.

Дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар биринчи босқич ҳамда кассация инстанцияси судлари эътиборидан четда қолган.

Жиноят процессуал кодексининг 419-моддаси биринчи қисми 1-бандида дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши лозимлиги белгиланган.

Ж.га оид жиноят иши бўйича дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни судда бартараф этишнинг имконияти мавжуд эмаслиги сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 4 декабрдаги ажрими билан Ж.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали қўшимча тергов

юритиш учун қайтарилди.

Назорат иши № 5-184-13

**Транспорт воситаси асоссиз жиноят қуроли деб эътироф этилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 9 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судининг 2013 йил 4 ноябрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари, 25, 276-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари, 25, 273-моддаси 5-қисми, 28, 273-моддаси 5-қисми, 273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, 2012 йил 5 декабрдаги ҳамда 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актларига асосан тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бир қисмига қисқартирилган.

Жиноят қуроли деб эътироф этилган К.га тегишли "Нексия" русумли автомашина давлат эгалигига ўтказилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. 2012 йил январь ойида отаси К.нинг номидаги "Нексия" русумли автомашинада таниши С. билан Тўрткўл туманига бориб, Н.дан С.га кўп миқдордаги 0,02 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда 24.000 сўмга сотиб олиб бериб, ушбу "героин"ни улар билан бирга шу автомашина саломида қўл томирига шприц орқали юбориш йўли билан истеъмол қилганликда;

бундан ташқари М. 2011 йил ноябрь ойидан 2012 йил 27 февраль кунига қадар, мунтазам равишда турли танишлари ва автомашиналарда Тўрткўл туманига бориб, Н.дан олган кўп миқдордаги гиёҳвандлик восита-

ларини истеъмол қилиш учун танишларига ўтказиш, ўтказишга суиқасд қилиш, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаш, гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун олиб, сақлашга суиқасд қилиш жиноятларини содир этганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 17-сонли қарори 10-бандида, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташиниш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкинлиги, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга хилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарурлиги (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган бўлса) ҳақида тушунтириш берилган.

Дастлабки терговда аниқланган ҳолатларда кўра, М. отаси К. га тегишли "Нексия" русумли автомашинадан жиноятни содир этиш учун қурол сифатида эмас, балки улов сифатида фойдаланиб, Тўрткўл туман-

нига бошқариб борган.

Бироқ биринчи инстанция суди ҳукмда судланувчи М. жиноят содир этишда отаси К.га тегишли "Нексия" русумли автомашинадан қурол сифатида фойдаланганлигини қайд этмаган ҳолда дастлабки тергов органининг шу автомашинани жиноят қуроли деб топиш ҳақидаги асослан-тирилмаган қарорини муҳокама қилмасдан, автомашинани давлат эгалигига ўтказиб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш ҳолатларини нотўғри талқин қилиб, жиноят иши ҳужжатларида судланувчи М. отасига тегишли автомашинани жиноят содир этиш учун мослаштирганини ёки автомашинадан жиноят содир этишни осонлаштириш учун қурол сифатида фойдаланганини исботловчи далиллар мавжуд бўлмаса-да, М. автомашинадан улов сифатида фойдаланиб, Тўрткўл туманига бошқариб бориб, С. ва Н. билан бирга автомашина сало-нида шприц орқали томирига "героин" гиёҳвандлик воситасини юбориш йўли билан истеъмол қилганини асос қилиб, суд ҳукмини ўзгариш-сиз қолдирган.

М. отасига тегишли автомашина-ни жиноят содир этиш учун мослаш-тирмаган бўлиб, автомашина сало-нини кўриш имкониятини камайти-рувчи махсус қорайтирилган ёки ав-томашина салонини ташқаридан кўриш имкониятини бермайдиган махсус пардалар билан жиҳозлама-ганлиги ҳамда жиноят содир этиш-ни осонлаштириш учун автомашина-дан қурол сифатида фойдаланмаган-лиги, шунингдек, автомашина сало-нида ёки эҳтиёт қисмлари орасида гиёҳвандлик воситалари яширилган-лиги ҳолатлари аниқланмаган.

Бундай ҳолда суд ҳукми ва апел-ляция инстанцияси ажримининг ав-томашинани жиноят қуроли деб эъ-тироф этиш ҳамда давлат эгалигига ўтказиш қисмини қонуний ва асос-ли деб бўлмаслиги сабабли Олий

суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 28 августдаги ажрими билан М.га оид суд қа-рорларининг "Нексия" русумли ав-томашинани жиноят қуроли деб то-пиш ва давлат эгалигига ўтказиш қисми бекор қилинди, автомашина эгаси К.га қайтарилди ва суд қарор-ларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назорат иши № 5-99-14

**Биринчи инстанция суди хатолари бартараф этилмаганлиги сабабли кассация инстанцияси ажрими бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанцияси-нинг 2014 йил 8 июлдаги ажрими би-лан ўзгартирилган, шу суднинг 2014 йил 25 апрелдаги ҳукмига кўра, Н. Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан Жиноят ко-дексининг 45,57-моддалари қўлла-ниб, 205-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил 10 ой 15 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н. давлат солиқ бошқармаси катта инспекто-ри вазифасида, масъул лавозимда ишлаб келиб, мансаб ваколатини су-иистеъмол қилган, текширувлар ўтка-зиш жараёнида тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларини қасддан бузган. Яъни 2012 йил ва 2013 йил 1 ноябрга қадар ўтказилган текшириш-ларда хўжалик юритувчи субъектлар шахсий ҳисоб варақаларини таҳлил этмагани натижасида 13 та ҳолатда 12 та корхонадан давлат бюджетига 49.931.100 сўм солиқ ва мажбурий тўловлар қўшимча ҳисобланмай қо-линишига, нотураржой объектлари ва дўконларда фаолият юритаётган тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, улардан ер ва мол-мулк солиқлари-ни ундириш учун хизмат сафарига

борган туман ДСИ ходимлари Ш. ва А.га телефон қилиб, тадбиркор Б.га солиқ соҳасида яқинлашмасликларини айтиб, уларни қўрқитиб, хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилган, объектлар бўйича 7.926.100 сўм солиқ тўловларини давлат бюджетига ундирилмай қолишига сабабчи бўлганликда;

Н. "Азиз Турон" МЧЖда хужжатли тафтиш ўтказиб, жамиятни лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлигини далолатномада кўрсатмаслик эвазига, жамият раҳбари Х.дан таъмагирлик йўли билан 5.000 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, 2013 йил 30 сентябрда бошқа шахс орқали 5.000 АҚШ доллари пора олганликда айбдор деб топилган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талабига кўра, суд ишботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши ҳамда ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қилдиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаш чораларини кўриши лозим.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 12-бандига биноан, пора олишда айбланаётган мансабдор шахснинг масъуллик ҳолати масаласи суд томонидан ушбу шахснинг эгаллаб турган лавозими, амалга оширадиган хизмат амаллари ва вазифаларининг аҳамияти, зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва ваколатлар, шунингдек, айбдор ишлаётган ташкилотнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим.

Суд айбдорни масъул мансабдор шахс деб топган тақдирда, бундай тавсифлаш белгиларининг борлиги ҳақидаги хулосасига олиб келган асосларни ҳукмда келтириши зарурлиги назарда тутилган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, Н. вилоят ДСБ "Солиқ

текширишлар" бўлими давлат солиқ катта инспектори лавозимида ишлаган бўлиб, унинг зиммасига:

- Республика ДСҚдан келган топшириқларни, бошқарма раҳбариятининг буйруқларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан юборилган хатларни ижро этишда иштирок этиш;

- текширишларда қўшимча ҳисобланган барча суммаларни ва мансабдор шахсларга қўлланилган маъмурий жарималарни Давлат бюджетига ўз вақтида ундирилишини таъминлаш;

- бошқарма томонидан чиқарилган тегишли буйруқ ва Кенгаш қарорларини бажарилишида бевосита қатнашиш;

- давлат солиқ катта инспектори лавозимидаги ходим меҳнат таътилида бўлганида, айрим сабабларга кўра, иш жойида бўлмаган ёки вақант ҳолларида унинг вазифаларни бажариш каби вазифалар юклатилган.

Жиноят кодексининг 8-бўлим аталар рўйхатида қайд этилишича, идоралар, муассасалар, ташкилотлар учун мажбурий бўлган қарорлар, фармойишлар чиқариш, фуқароларга ёки юридик шахсларга давлат муассасаси номидан ҳуқуқлар берувчи ёки мажбуриятларни бажарувчи юридик ҳаракатларни содир этиш ваколатларига эга бўлган шахс масъул мансабдор деб топилади.

Бироқ суд Н. масъул мансабдор шахснинг ваколатларига кирадиган қандай вазифаларга эга эканлигини асослантирмай, барвақт хулосага келган.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 11-бандига, таъмагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқаронининг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг ол-

дини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмаслиги назарда тутилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Н. "Азиз Турон" МЧЖда ҳужжатли тафтиш ўтказиб, далолатномада жамиятни лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлигини кўрсатмаслик эвазига, жамият раҳбари Х.дан пора беришни талаб қилиб, бошқа шахс орқали порани олган.

Х. судда текширув тахминан 15-20 кун давом этгани, текширув натижасида деярли камчиликлар аниқланмагани, шундай бўлса-да, Н. камчилик топишга ҳаракат қилиб, текширувни атайин чўзиб, 2008 йилда фонд бўйича ажратилган тамаки маҳсулотлари сотилганини рўқач қилиб, лицензиясиз фаолият юритганини билдириб, текширув ижобий яқунлашиши учун 5.000 АҚШ доллари беришни талаб қилгани, унга шу миқдордаги порани беришга рози бўлгани ҳақида кўрсатма берган.

М. судда Х.нинг кўрсатмаларига ўхшаш мазмунда кўрсатма берган.

Шундай ҳолатда суд, "Азиз Турон" МЧЖ 2008 йилда лицензиясиз тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланганлигини аниқлаш чораларини кўрмаган.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 211-моддаси 4-қисмида, башарти шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган.

Юқорида қайд этилган Пленуми қарорининг 16-бандида, пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра, жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмаслиги, шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмаслиги ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмасликлари тушунтирилган.

Дастлабки тергов органининг жиноят ишини бир қисмини тугатиш тўғрисидаги қарорида қайд этилишича, Х. ва М. бошқа шахс орқали 5.000 АҚШ долларини Н.га пора тариқасида беришган бўлиб, улар Н.нинг ҳаракатлари юзасидан ариза билан муурожаат қилганлари, жиноятни очишга фаол ёрдам берганликлари инобатга олиниб, уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқ деб топилди, жиноят ишининг уларга оид қисми Жиноят кодексининг 211-моддаси 4-қисмига асосан тугатилган бир вазиятда улар жабрланувчи деб эътироф этилган.

Бироқ суд дастлабки тергов органининг мазкур қарори қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришига зид равишда қабул қилинганлигига, Х., М. ва бошқа шахсни жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинганлигига ҳамда пора предмети тариқасида берилган 5.000 АҚШ доллар масаласи очиқ қолдирилганлигига эътибор қаратмаган.

Кассация инстанцияси биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чораларини кўрмаган.

Шу сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 11 декабрдаги ажрими билан Н.га нисбатан чиқарилган кассация инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

Назорат иши № 5-248-14

# Жиноятда иштирокчилик

## унинг ҳуқуқий аҳамияти ва субъектив белгилари

Жиноят ҳуқуқи доктринасида иштирокчиликнинг субъектив белгиларига оид масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунончи, икки ёки ундан ортиқ шахснинг бирга жиноят содир этиши жараёнида улар ўртасида муайян субъектив алоқадорликнинг мавжуд бўлмаслиги, ҳамкорликдаги бундай жиноий қилмишни иштирокчилик деб топишни инкор этади. Бинобарин, айтилган пайтда иштирокчиликнинг субъектив белгиларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилишига қарамай бугунги кунда жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида ушбу масалага доир мунозарали ҳолатлар сақланиб турибди ва бу борада ягона тўхтама келинмаган.

### Аброржон ОТАЖОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
катта илмий ходим-изланувчиси,  
юримдик фанлар номзоди

Бундай баҳс-мунозаралар иштирокчиликнинг субъектив белгиларини аниқлаш; эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятларда иштирокчилик мавжуд бўлишига оид мунозаралар; иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бир ёки икки томонлама субъектив алоқадорлик; мураккаб айбли жиноятларда иштирокчилик хусусиятлари; иштирокчиликнинг субъектив белгиларини жиноятларни квалификация қилишга таъсири каби масалаларда кузатилади. Шу боис иштирокчиликнинг субъектив белгиларини мантиқан, тизимли ёндошган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир ва улар қуйидагилардан иборат.

Иштирокчиликнинг субъектив белгиларидан биричиси — бу иштирокчиликнинг фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда бўлиши зарурлигидир. Бинобарин, жиноятда иштирокчиликнинг субъектив белгиси айтилган пайтда унинг жиноят қонунида (Жиноят кодексининг 27-моддаси) "икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргаликда қатнашиш", деб ифодаланган тушунчасидан келиб чиқади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этишда бирга қатнашиши, авваломбор, барча иштирокчиларнинг умумий жиноий натижага биргалашиб интилишини назарда тутади. Шунинг учун ҳам икки ёки ундан

ортиқ шахслар томонидан биргаликда содир этиладиган жиноятларда тасодифий ҳолат кузатилмайди. Демак, эҳтиётсизликда содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлмайди. Аммо юридик адабиётларда бу бир хилда ҳал этилмаган. Хусусан, ушбу ҳолатни таҳлил қилган В.А.Нерсисян, Д.А.Безбородов, Н.И.Мухторов ва бошқалар эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятларда иштирокчилик мавжуд бўлиши тўғрисидаги фикрни асослашга уринишган.<sup>1</sup> Уларнинг ёзишича, иштирокчиликдаги жиноятлар ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин. Бироқ биз эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин деган фикрга қўшилмаймиз. Чунки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятларда иштирокчиликнинг мавжуд бўлиш имкониятлари, биринчидан, иштирокчиликнинг юридик табиатига зид келади.

Бундан ташқари мураккаб айбли жиноятларда иштирокчилик масаласининг ҳал қилиниши ўзига хос хусусиятга эга. Айтилган пайтда мураккаб айбли жиноятларда иштирокчилик мавжуд бўлади. Чунки биринчидан, қонун мураккаб айбли жиноятларни қасддан содир этилган деб топишни назарда тутади; иккинчидан, одатда, мураккаб айбли жиноятларни содир этиш учун олдиндан тайёргарлик кўришга имконият бўлади. Шунингдек, тузилишига кўра, қонунда мураккаб айбли ҳисобланган жиноятларда икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирок этаётганда, улар ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англай олади, жиноий қил-



мишни амалга ошириш учун умумий қасд билан ҳаракат қилади, жиноий қилмиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларга кўзи етади. Бироқ улар қонунда назарда тутилган жиноий оқибат келиб чиқмаслигига асоссиз умид қиладилар. Мухтасар айтганда, жиноятда иштирокчилик фақат қасддан содир этиладиган ва мураккаб айбли жиноятларда мавжуд бўлади. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас.

Иштирокчиликнинг субъектив белгиларидан иккинчиси — жиноятда иштирок этаётган барча шахслар ижтимоий хавфли қилмишни, албатта, қасддан содир этади. Жиноятда иштирокчиликнинг субъектив белгиларини таҳлил қилишда иштирокчиликдаги айб шаклига алоҳида тўхталиш лозим. Чунки қонун (Жиноят кодексининг 27-моддаси) иштирокчиликдаги қилмишнинг субъектив томонини айбнинг қайси шаклида ифодаланиши лозимлигини назарда тутмайди. Қонунда иштирокчиликнинг фақат "қасддан жиноят содир этиш" белгиси кўрсатилган холос. Бу эса, таъкидлаганимиздек, иштирокчилик фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда бўлишини англатади.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда содир этилаётган жиноятлар ҳар доим ҳам қасддан содир этилавермайди. Аксарият ҳолатда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг хулқ-атвори натижасида қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга биргаликда зарар етказилиши ҳам мумкин. Хўш, бундай ҳолда иштирокчилик масаласини қандай ҳал этилади? Бунга қуйидагича жавоб бериш мумкин: авваломбор, жиноятни биргаликда содир этаётган шахс ва бошқа иштирокчилар қилмишининг ижтимоий хавфлилиги, уларнинг жиноятни биргаликда бажараётганлиги ҳамда қонунда назарда тутилган жиноят таркиби ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабатини аниқлаш талаб этилади. Чунончи, жиноятда иштирок этаётган ҳар бир шахс бошқалар билан бирга жиноят содир этаётганда, ушбу жиноятнинг бошқа иштирокчилар учун ҳам умумий эканлиги ушбу жиноятни содир этишда ўзининг аниқ вази-фасини билиши ҳамда жиноят содир этилишида бир ўзи ҳаракат қилмаётганли-

гини англаши тақозо этилади.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор бериш керак. Яъни айбнинг тузилиши уни тавсифловчи мезонлар ичида асосий ўринни эгаллайди. Аслида айб аниқ жиноий фаолиятда ўз ифодасини топувчи, муайян руҳий муносабатни назарда тутди. Бундай руҳий муносабат ўзида ақлий ва иродавий белгиларнинг умумийлигини ифода этади. Айбнинг ақлий ва иродавий белгилари жиноятнинг объектив белгиларини ўзида акс эттирса ва у билан муайян алоқада бўлса, айб шаклини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ҳам айбнинг тузилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у иштирокчилар қасдининг ақлий ва иродавий белгиларини назарда тутди.

Бинобарин, ҳуқуқшунос олим М.Х.Рустамбоев бу масалага эътибор қаратиб, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар таркибининг субъектив томони ақлий (интеллектуал) элементи жиноят иштирокчилари ўз қилмишларининг, биргаликдаги ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши, иродавий элементи эса, жиноий натижага эришиш нияти ёки биргаликдаги хатти-ҳаракатларини бирлаштириш орқали бу натижага эришилишига онгли йўл қўйишда ифодаланадиган қасд билан белгиланишини таъкидлаган.<sup>2</sup> Назаримизда, иштирокчиликдаги қасднинг интеллектуал белгиси қуйидагиларни қамраб олади: а) шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини; жиноят содир этишда иштирок этаётган бошқа шахслар қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва ўз қилмишининг тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят билан ўзаро алоқадор эканлигини англаганлиги; б) биргаликдаги жиноятнинг оқибатини олдиндан кўра олганлиги.

Иродавий белгиси эса, муайян жиноятда биргаликда иштирок этишни хоҳлаши ва моддий таркибли жиноятларда жиноий оқибатни биргаликда юз беришини исташида (бажарувчи ва ёрдамчилар жиноий оқибат келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиши ҳам мумкин) ифодаланади.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: агар жиноят иштирокчиларининг жиноий нияти аниқ бўла туриб, бироқ жиноят содир этилиши жараёнида шароит

Ўзгарганлиги туфайли бажарувчи томонидан иштирокчиларнинг умумий жиний қасди доирасидан четга чиқадиган бошқа жиний оқибат юз берган вазиятда бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларнинг қилмиши қандай квалификация қилинади? Жиноят иштирокчиларининг қасдининг ақлий ва иродавий белгилари қандай хусусиятга эга бўлади?

Айтиш керакки, ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бу масала суд амалиётида бир хилда ҳал этилмапти. Хусусан, респондентларга ўғирлик ва босқинчилик жиноятига оид саволлар билан мурожат қилганимизда, уларнинг 53,8 фоизи ташкилотчининг ҳаракатини ўғирликка суиқасд қилиш ва бажарувчининг ҳаракатини босқинчилик деб квалификация қилиш керак, деган бўлса, 45 фоиз респондентлар эса, ташкилотчи ва бажарувчининг ҳар иккиласи босқинчиликда айбдор бўлади, деб таъкидлашган, қолган 8,8 фоиз респондентлар, бу саволга жавоб беришга қийналишган.

Амалдаги қонун талабидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган қонун моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши керак. Қонунда белгиланган ушбу қоида аслида иштирокчиликнинг акцессор табиатини ифодалайди, бироқ биз иштирокчиликнинг акцессор табиатига оид қоидаларни қўллаб-қувватламаймиз ва иштирокчиликнинг мустақил жавобгарлик назариясини тўғри деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари шахсининг айби аввало муайян жиний қилмиш ва қонунда назарда тутилган аниқ жиноятнинг объект белгилари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ифодаланган. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ташкилотчи ўғирлик жиноятини ташкиллаштиради, бироқ шароит ўзгариши ва ташкилотчига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиний оқибат бошқа жиноят натижасида келиб чиқади. Яъни содир этилган жиноят ташкилотчининг жиний нияти доирасига кирмайди. Шу сабабли ушбу ҳолатда ташкилотчининг

қилмишини у ташкиллаштирган аниқ жиноятга суиқасд, бажарувчи эса, амалда содир этган жинояти бўйича жавобгарликка тортилиши керак.

Жиноятнинг субъектив томонининг факультатив белгилари ҳисобланган мотив ва мақсад ҳам иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бинобарин, иштирокчиларнинг жиноятдан кўзлаган мотив ва мақсадлари бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун агар одам ўлдиришда иштирокчилардан бири ўч олишни кўзласа, иккинчиси таъмағирлик мақсадини кўзлаши мумкин. Шу сабабли иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда уларнинг жиноятдан кўзланган мотив ва мақсади жиноятни квалификациясига таъсир кўрсатмаслиги керак. Бироқ агар жиноятнинг мотив ва мақсади жиноят таркибининг зарурий белгилари қаторига киритилган бўлса, бундай ҳолатда жиноятнинг мотив ва мақсади ҳеч бўлмаганда камида битта иштирокчининг жиний нияти билан қамраб олинган, қолган иштирокчилар эса, бу ҳақда хабардор бўлиши талаб этади. Иштирокчиларнинг жиноят таркибининг квалификация қилинувчи ёки оғирлаштирувчи белгиларига бўлган руҳий муносабати ва унинг ҳуқуқий баҳолаш ҳам ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, иштирокчилик фақат қасддан содир этиладиган жиний қилмишларда мавжуд бўлади. Шу боис иштирокчилик ҳақидаги жиноят-ҳуқуқий нормани қўллашда турли-туманликка йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш учун Жиноят кодексининг 27-моддасида ифодаланган иштирокчилик тушунчасига "... қасддан биргалашиб қатнашиш" иборасини қўшиш мақсадга мувофиқ. Агар ҳориж давлатларининг бу борадаги тажрибасига назар ташласак, унда иштирокчилик тушунчасида "қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиш" билан бирга "қасддан содир этиладиган жиноятларда қасддан қатнашиш" ибораси ҳам назарда тутилган.

<sup>1</sup> Нерсесян В.А. Ответственность за неосторожные преступления: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 2006. - С. 12; Безбородов Д.А. Методологические основы учения об уголовной ответственности за совместное преступное деяние: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - СПб., 2007. - С. 11. Мухторов Н.И. Жиноят қонунининг айбни эҳтиётсизлик шакли билан боғлиқ нормаларини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига 15 йил. (Илмий амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. - Б. 113.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. - Т.: ILM ZIYO, 2010. - Б. 241-242.

# Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат институти (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил)

**Насриддин ИСМОИЛОВ,**  
*юридик фанлар номзоди*

Рецидив жиноятчиликка қарши курашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришнинг муҳим усулларида бири турли мамлакатларда амал қилаётган жиноят, маъмурий, жиноят-ижроия қонунчиликни қиёсий таҳлил қилишдир. Хорижий давлатлардаги маъмурий (ёки бошқача айтганда, постпенитенциар) назоратни тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бу соҳадаги устувор ёндошувларнинг қайси жиҳатлари билан келишишига баҳо бериш имконини яратди. Бундан ташқари жинойи тажрибага эга бўлган ва рецидив жиноятчиликка мойил шахслар устидан назорат қилишнинг замонавий усуллари ривожлантиришни аниқ тушуниш жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар — Беларусь, Украина, Қозоғистон ва Россиядаги жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назоратни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хосликларини қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Украинада кўриб чиқилаётган институт алоҳида мустақил қонун ҳужжатлари билан тартибга со-

линади: Ўзбекистонда — 1992 йил 9 декабрдаги "Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуни<sup>1</sup>, Россия Федерациясида — 2011 йил 6 апрелдаги "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Федерал қонун<sup>2</sup>, Қозоғистонда — 1996 йил 15 июлдаги "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонун<sup>3</sup>, Украинада — 1994 йил 1 декабрдаги "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонунлар айти шу мақсадга қаратилган<sup>4</sup>.

Шу билан бирга маъмурий назорат масалалари муайян чегаралардагина қонун даражасида тартибга солинади (тушунчаси, вазифалари, объектлари, субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият устида назорат қилиш ва бошқалар). Бу эса, постпенитенциар назоратнинг айрим жиҳатлари (масалан, намунавий назорат бланкаларнинг шакллари аниқлаш)ни батафсил ёритиш учун етарли эмас. Шу муносабат билан, Беларусь, Украина ва Россия давлатларида ушбу фаолият қонуности норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистонда маъмурий назоратни амалга ошириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги-

нинг 2002 йил 26 февралдаги "Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги 51-сонли буйруғи билан, Украинада — Украина ИИВ ва Жазони ижро этиш масалалари бўйича Украина давлат департаментининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиш шахслар устидан маъмурий назоратни амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги 1303/203-сонли буйруғи билан тартибга солинади.

Беларусда эса, Беларусь Республикаси ИИВнинг 2011 йил 20 ноябрда "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиш шахслар устидан превентив назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинган<sup>5</sup>.

Айтиш керакки, Ўзбекистон, Россия, Украина ва Беларусь "маъмурий назорат" қонунчилигида қонун чиқарувчи биринчи моддада маъмурий назорат тушунчасига таъриф берган ҳамда унинг субъекти ва объектини кўрсатган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасига мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чораларининг мажмуини ифодалаб, назорат остидагиларга нисбатан ушбу Қонунда кўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат бўлади. Айнан шу мазмундаги таърифни Россия, Украина ва Беларусь қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Қозоғистон қонунчилигида назорат тушунчаси ва уни ўрнатиш мақсади биргаликда ифода этилган.

Маъмурий назорат вазифалари ма-

саласига келганда, таҳлил қилинаётган манбаларда улар ҳажми ва хусусиятига кўра, фарқланади, бироқ уларнинг барчасини асосий нуқта — жиноятларнинг олдини олиш ва объектга зарур профилактик (тарбиявий, яқка тартибдаги профилактика) таъсирини ўтказиш бирлаштиради.

Турли мамлакатлар қонун чиқарувчилари томонидан постпенитенциар назорат ўрнатиладиган объектлар рўйхатининг белгиланиши ҳам катта қизиқиш уйғотади. Биринчидан, қонун ҳужжатларида назорат ўрнатиладиган ёш цензи турлича белгиланган. Ўзбекистон, Россия ва Украинада назорат ўрнатиладиган ёш 18 ёш деб белгиланган. Қозоғистонда жиноий жавобгарлик бошланадиган ёш ўн олти ва ўн тўрт ёш қилиб белгиланганлиги сабабли, бундай ценз кўрсатилмаган. Беларусда бу масала иккиёқлама ҳал қилинади. Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ушбу мамлакатда превентив назорат, башарти ушбу шахс ўта хавфли рецидив жиноят содир этган бўлса, 14 ёшдан, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда эса, 18 ёшдан бошлаб ўрнатилади<sup>6</sup>.

Кўриб чиқиладиган мамлакатларда постпенитенциар назорат ўрнатишнинг мажбурий шарти бўлиб, маҳкумнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги реал жиноий жазони ўташи ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган кодификация қилинган манбаларга мувофиқ, қуйидагилар озодликдан маҳрум қилиш жойлари ҳисобланади:

- Ўзбекистон — умумий, қаттиқ ва махсус тартибдаги колониялар, манзил-колониялар, турмалар.

- Беларусда — манзил шароитидаги ахлоқ тузатиш колониялари, умумий, кучайтирилган, қаттиқ ва махсус тартибдаги ахлоқ тузатиш колониялари, тарбиявий колониялар;

- Қозоғистонда — умумий, кучайтирилган, қаттиқ ва махсус тартибдаги ахлоқ тузатиш колониялари, манзил-колониялари, турмалар, умумий ёки кучайтирилган тартибдаги тарбиявий ко-

лониялар;

- Украинада — ёпиқ турдаги ижро этиш жиноий муассасалари, буларга энг кам, ўртача ва энг юқори хавфсизлик даражасидаги ахлоқ тузатиш колониялари киради;

- Россияда — даволаш-ахлоқ тузатиш колониялари, умумий, қаттиқ ва махсус тартибдаги ахлоқ тузатиш колониялари, манзил-колониялар, турмалар.

Қонун чиқарувчи жазони ўтаётган ёки уни ўтаб бўлган шахснинг хулқ-атворида алоҳида эътибор қаратади ва буни постпенитенциар назорат ўрнатиш учун мажбурий бўлган шартлар сирасига киритади.

Шунингдек, шахснинг постпенитенциар хулқи маъмурий назорат ўрнатишнинг мажбурий шартидир. Бу таҳлил қилинаётган манбаларда деярли бир хил талқин қилинган. Масалан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Украинада маъмурий назорат ўрнатиш учун шахс ички ишлар органларининг ғайриижтимоий турмуш тарзини тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришларига қарамасдан, жамоат тартиби ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини мунтазам равишда бузган бўлиши лозим. Россия ва Беларусда ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг қўшимча миқдори аниқлаштирилган — бир йил мобайнида икки мартадан ортиқ, шу билан бирга, Беларусь қонун чиқарувчиси ҳатто постпенитенциар назоратни ўрнатишни қўллашдан кейин маъмурий қамоқ санкциясини ҳам белгилаган.

Юқорида кўрсатилган мамлакатлар қонунчилигида қасддан содир этилган жиноятлар учун маъмурий назорат остида мажбурий равишда бўладиган муайян шахслар гуруҳига эътибор қаратилган. Булар:

- экстремизм аломатлари бўлган жиноятлар (Қозоғистон);

- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар (Украина);

- вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши

жиноятлар (Россия).

Постпенитенциар назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш субъектларини таҳлил қилар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, бу масала бўйича юқорида кўриб чиқилаётган мамлакатлар қонун чиқарувчиларининг нуқтаи назари айна бир хил. Маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаси ёки ички ишлар органлари ташаббуси билан судлар томонидан ўрнатилади ва у ички ишлар органлари томонидан ижро этилади (Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозоғистон). Беларусда ушбу назорат ички ишлар органлари хизматларининг ходимларини жалб қилган ҳолда, жиноят-ижроия инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Постпенитенциар назорат муддатига келсак, у тўғридан-тўғри объектнинг судланганлигига боғлиқ (Қозоғистондан ташқари). Судланганлик тугатилган ёки олиб ташланган ҳолларда постпенитенциар назорат ҳам тўхтатилади. Ўзбекистон ва Қозоғистонда олти ойдан бир йилга қадар, Беларусда — олти ойдан икки йилга қадар, Украинада — бир йилдан икки йилга қадар муддат белгиланган. Назоратнинг энг узоқ муддати Россияда белгиланган — бир йилдан саккиз йилга қадар.

Назорат остидагиларга нисбатан маъмурий чекловларни қўллашни тартибга солувчи нормаларни қиёсий таҳлил қилиш шундан далолат берадики, аксарият ҳолларда улар бир-бирига ўхшаш бўлиб, ўртадаги фарқ унчалик сезилмайди.

Масалан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Украинада улар деярли сўзма-сўз қайтарилади: ИИБ томонидан белгиланган сутканинг муайян вақтларида уй (хонадон)дан чиқиб кетишнинг тақиқланиши; туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишнинг тақиқланиши; ИИБнинг рўхсатсиз туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарига чиқишнинг тақиқланиши; рўйхатдан ўтиш учун бир ой мобайнида бир мартадан тўрт мартагача ИИБга келиш.

Россияда постпенитенциар назорат чекловлар миқдорининг кўплиги; назо-

рат остидаги шахсга оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказиш жойларида бўлиш ва уларда иштирок этишни тақиқлаш кабиларни ўз ичига олади ва у бошқа давлатларга нисбатан чекловларнинг кўплиги билан ажралиб туради.

Постпенитенциар назорат ўрнатиладиган шахс, биринчи навбатда, унинг хулқ-атвори эътиборга олинадиган ҳуқуқий муносабатлар объектига айланади. Назорат остидаги шахснинг ҳуқуқлари чекланади ёхуд улар зиммасига айрим мажбуриятлар юкланади. Масалан:

- чақирув бўйича кўрсатилган муддатда ИИБга келиш ва маъмурий назорат қоидаларининг ижро этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтириш бериш (Ўзбекистон, Қозоғистон, Украина, Россия, Беларусь);

- Иш жойи ва турар жойининг ўзгарганлиги тўғрисида (Ўзбекистон ва Қозоғистонда сутка мобайнида, Россияда уч сутка мобайнида), шунингдек, хизмат ва шахсий ишлар бўйича туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарига чиққанганлиги тўғрисида ИИБ ходимларини хабардор қилиш (Ўзбекистон, Беларусь Қозоғистон, Украина, Россия);

- жазони ижро этиш муассасаси томонидан белгиланган муддатда улар танлаган турар жойга етиб келиш ва ИИБда (Украина, Россия) ёки инспекцияда рўйхатдан ўтиш (Беларусь).

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуни кўриб чиқиладиган бошқа мамлакатлардаги қонунларда мавжуд бўлмаган маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечирishi, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслигини мажбур қилиб қўйувчи махсус норманинг мустақамланганлиги билан ажралиб туради.

Энди қонун чиқарувчиларнинг постпенитенциар назоратни узайтириш,

тўхтатиб қўйиш ва тугатиш масалаларига муносабатларини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон, Қозоғистон, Украина ва Россияда назорат узайтирилиши мумкин бўлган олти ойлик муддат белгиланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон, Россия, Украина ҳар сафар ярим йилга, бироқ судланганликни тугатиш ёки олиб ташлаш назарда тутилган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириш имкониятини мустақамлаган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасида "Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим", деб белгилаб қўйилган.

Қозоғистонда назорат остидаги шахснинг судланганлиги мавжудлиги норматив жиҳатдан қайд этилмаган, балки муддатни узайтиришнинг аниқ вақти 2 йил қилиб белгиланган. Беларусда превентив назорат судлар томонидан судланганлик муддати доирасида узайтирилиши мумкин.

Назоратни узайтиришнинг асослари қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- назорат остидаги шахснинг хулқи (Ўзбекистон — тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибига, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказадиган; Россия — назорат остидаги шахс томонидан бир йил мобайнида икки ва ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши; Қозоғистон — ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши);

- превентив назорат талабларига риоя этмаслик (Беларусь);

- чекловларга риоя этмаслик (Ўзбекистон, Қозоғистон);

- жамият учун хавfli бўлиб қолиш (Украина).

Шуни қайд этиш керакки, Россия ва Беларусь қонунчилигида постпенитенциар назоратни тўхтатиб қўйиш масаласи тартибга солинган. Масалан, Россияда назорат остидаги шахс қидирувда деб эълон қилинган, у бедарак йўқолган ёки назорат остидаги шахс қамоққа олинган ҳолларда маъмурий назорат муддати тўхтатиб қўйилади. Беларусда ушбу назорат у ўрнатилган шахс судланган, озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган, қамоққа олинган ёки даволаш-меҳнат муассасасига юборилганда тўхтатиб қўйилади.

Юқорида кўрсатилган мамлакатлар қонун чиқарувчиларининг постпенитенциар назоратни тугатиш масаласидаги нуқтаи назари ягонадир: постпенитенциар назорат унинг муддати тугаган, судланганлик олиб ташланган, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган ва назорат остидаги шахс вафот этган ҳолларда тугатилади.

Назорат остидаги шахсларнинг қонунга итоат этишини рағбатлантириш мақсадида, қонун чиқарувчилар томонидан маъмурий назоратни муддатидан олдин тугатиш имконияти назарда тутилган. Назорат остидаги шахснинг тузалиш йўлига ўтганлиги (Ўзбекистон, Қозоғистон), жамият учун хавfli ҳисобланмаслиги ва иш жойи ҳамда турар жойидан ижобий тавсифланганлиги (Украина), превентив назорат талабларига риоя қилганлиги ҳамда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаганлиги (Беларусь), маъмурий чекловларга виждонан риоя этганлиги, мажбуриятларни бажариши ҳамда иш жойи ва (ёки) турар жойи ёхуд бўлиб турган жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, (Россия) суд маъмурий назоратни тўхтатади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари қайд этилган мамлакатларнинг қонунчилигида постпенитенциар назорат талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалага ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, кодификация қилинган манбалар ва

санкцияларга мувофиқ, маъмурий назоратни бузганлиги учун жавобгарликнинг бошланиш шартлари турлича ўрнатилган.

Маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 226-моддаси<sup>7</sup> ва Украина Жиноят кодексининг 395-моддаси<sup>8</sup>) ҳамда маъмурий назорат қоидаларини қасддан бузганлик учун (Қозоғистон Жиноят кодексининг 262-моддаси<sup>9</sup>), превентив назорат талабларига риоя қилмаслик ва ундан бўйин товлаганлик учун (Беларус Жиноят кодексининг 421, 422-моддалари<sup>10</sup>), маъмурий назоратдан бўйин товлаганлик учун (Россия Жиноят кодексининг 3141 моддаси<sup>11</sup>) жиний жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон, Украина, Беларусь ва Россия Жиноят кодексларида постпенитенциар назоратни бузганлиги учун жавобгарликни тартибга солувчи масалалар таркибан одил судловга қарши жиноятларга бағишланган боблар ва бўлимларда жойлаштирилган мустақил моддаларда ўз ифодасини топган.

Қозоғистон қонунчилигида маъмурий назоратни қасддан бузганлиги учун жавобгарликни тартибга солувчи модданинг учинчи қисмига "Суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа судлов ҳужжатларини бажармаслик" ҳам назарда тутилган.

Назорат остидаги шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиний жазолардаги ўхшашликларга қарамасдан, моддаларнинг санкцияларида муайян фарқлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон қонунчилигида назорат остидаги шахсларга нисбатан нафақат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни, балки уларнинг муқобил турларини (Ўзбекистонда — жарима, Россияда — мажбурий ва ахлоқ тузатиш ишлари, Қозоғистонда — ахлоқ тузатиш ишлари)ни қўллаш белгилаб қўйилган. Беларусь, Қозоғистон ва Украинанинг Жиноят кодексларида назорат этиш тартибини бузганлик учун олти ойга қадар қамоқ тариқасидаги

жазо назарда тутилган.

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Беларусь қонунчилигига мувофиқ, назорат остидаги шахс назоратдан бўйин товлаган ҳолларда муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Украина қонунчилигида маъмурий назорат соҳасидаги қонунчиликка риоя этмаганлик учун озодликдан маҳрум этиш назарда тутилмаган.

Ўзбекистон, Украина, Россия ва Беларусь қонун чиқарувчилари муайян маъмурий назоратни бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг бошланиши асосларини аниқ ифодалаб беради: маъмурий назорат қоидаларини бузиш (Ўзбекистон, Украина), превентив назорат талабларига риоя этмаслик (Беларусь), маъмурий чекловларга риоя этмаслик ва маъмурий назоратда ўрнатиладиган мажбуриятларни бажармаслик (Россия).

Назоратни бузганлик учун маъмурий санкцияга нисбатан қонун чиқарувчиларнинг нуқтаи назари деярли фарқ қилмайди. Асосан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан жарима қўлланилади:

- энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда (Ўзбекистон);

- ойлик ҳисоб кўрсаткичларининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда (Қозоғистон);

- асосий миқдорнинг олти бараваридан эллик бараваригача миқдорда (Беларусь);

- фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган энг кам даромадларининг уч бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда (Украина);

- беш юз рублдан бир ярим минг рублгача миқдорда (Россия).

Шунингдек, Украина, Россия ва Қозоғистон қонунчилигида назорат остидаги ҳуқуқбузарларга нисбатан ўн беш суткага қадар муддатга маъмурий қамоқ қўллаш назарда тутилган. Беларусь Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида маъмурий қамоқ муддати кўрсатилмаган<sup>12</sup>.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, кўриб чиқилаётган мамлакатларнинг постпенитенциар назорат соҳасидаги қонунчилигининг аксариятида анъанавий ҳуқуқий қарашларга асосланиш кузатилади. Шунинг учун ҳам озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиладиган шахслар устидан назорат қилиш институтини тартибга солишда фарқлардан кўра, ўхшаш жиҳатлар бирмунча кўп.

Истиқболда постпенитенциар назорат соҳасидаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш учун маъмурий чекловларни қисқартиришни йўлга қўйиш, маъмурий назорат остидаги шахслар устидан назорат қилиш механизмини соддалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш жараёнини мақбуллаштириш, рецидив жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш имконини беради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиладиган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. - Тошкент, 1993. - 1-сон. - 33-м.

<sup>2</sup> Россия Федерациясининг "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиладиган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Федерал қонуни // Ҳуқуқий ахборот расмий интернет-портали -<http://pravo.gov.ru/>

<sup>3</sup> Қозоғистон Республикасининг "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиладиган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонуни (2009 йил 7 декабрга қадар ўзгартиш ва қўшимчалари билан) // [online.zakon.kz/](http://online.zakon.kz/)

<sup>4</sup> Украинанинг "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиладиган шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонуни // [rada.gov.ua/ru](http://rada.gov.ua/ru)

<sup>5</sup> Беларусь Республикаси ИИВнинг "Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиладиган шахслар устидан превентив назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори // [pravo.levonevsky.org/bazaby/org335/basic/text0388.htm](http://pravo.levonevsky.org/bazaby/org335/basic/text0388.htm)

<sup>6</sup> Беларусь Республикасининг Жиноят кодекси. - 80-м. - 3-қ. // <http://pravo.by/main.aspx?guid=6361>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [rada.gov.ua/ru/](http://rada.gov.ua/ru/)

<sup>8</sup> Украина Жиноят кодекси. - 395-м. // [rada.gov.ua/ru/](http://rada.gov.ua/ru/)

<sup>9</sup> Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси. - 362-м. // [online.zakon.kz/](http://online.zakon.kz/)

<sup>10</sup> Беларусь Республикасининг Жиноят кодекси. - 421. - 422-м. // <http://pravo.by/main.aspx?guid=6361>

<sup>11</sup> Россия Федерациясининг Жиноят кодекси // Ҳуқуқий ахборот расмий интернет-портали - <http://pravo.gov.ru/>

<sup>12</sup> Беларусь Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси // <http://pravo.by/>



## Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати қарорлари билан қуйидаги судьяларга малака даражалари берилди

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Ахмедов Шухрат Саиджаббарович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси	18.01.2014 йил 3 малака даражаси
2	Ёдгоров Фирузжон Рахимович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Қорақўл туманлараро судининг судьяси	18.01.2014 йил 4 малака даражаси
3	Халилова Наргиз Алихановна	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси	18.01.2014 йил 2 малака даражаси
4	Ботиров Жаҳонали Курбанбаевич	Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судьяси	25.01.2014 йил 3 малака даражаси
5	Имомов Мансур Неъматович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	08.02.2014 йил 3 малака даражаси
6	Абдурахманова Гузал Исрайыловна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси	08.02.2014 йил 5 малака даражаси
7	Турдиев Шавкат Тулкинович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туман судининг раиси	08.02.2014 йил 4 малака даражаси
8	Норқобилов Жасур Холбоевич	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Нишон туман судининг раиси	08.02.2014 йил 4 малака даражаси
9	Омонов Яшин Холилович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман судининг раиси	08.02.2014 йил 4 малака даражаси
10	Халилов Фахриддин Махмудович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Косон туман судининг судьяси	08.02.2014 йил 4 малака даражаси
11	Саминов Зоиржон Рахматалиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Марғилон туманлараро судининг судьяси	08.02.2014 йил 5 малака даражаси
12	Тожиёв Шамсиддин Мамарежабович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	08.02.2014 йил 3 малака даражаси
13	Тургунова Мухтарам Махамдалиевна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг судьяси	08.02.2014 йил 4 малака даражаси
14	Фармонов Бахтиёр Тўйчиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Жомбой туманлараро судининг судьяси	08.02.2014 йил 5 малака даражаси
15	Аббасов Шухрат Рахматович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Гиждувон туманлараро судининг раиси	22.02.2014 йил 3 малака даражаси
16	Сиддиков Отабек Мўминович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси	22.02.2014 йил 3 малака даражаси
17	Қосимов Рахимжон Одилевич	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Ўзбекистон туманлараро судининг раиси	22.02.2014 йил 3 малака даражаси
18	Мирзаабдуллаев Умаржон Тулкинбоевич	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси	22.02.2014 йил 3 малака даражаси
19	Холиқулов Зафар Шодиевич	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	22.02.2014 йил 5 малака даражаси
20	Қадирберган Яхшимуратов	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг раиси	20.03.2014 йил 1 малака даражаси
21	Ахмедов Абдухалим Абдураимович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг раиси	20.03.2014 йил муддатидан олдин 1 малака даражаси

22	Абдуджабаров Маратжон Музрабович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси	20.03.2014 йил муддатидан олдин 1 малака даражаси
23	Баймуратов Азамат Хожамуратович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг раиси	20.03.2014 йил муддатидан олдин 2 малака даражаси
24	Назаров Отабек Ҳасанович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари	20.03.2014 йил 2 малака даражаси
25	Ҳақимова Нодира Жалаловна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
26	Хонбўтаева Дилноза Усмоналиевна	Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Томди туман судининг раиси	25.03.2014 йил 5 малака даражаси
27	Шеркулов Шерзод Нуруллаевич	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси	29.03.2014 йил 3 малака даражаси
28	Эргашев Бехзод Хурсанович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Кўқон шаҳар судининг судьяси	29.03.2014 йил 4 малака даражаси
29	Олмосов Эгамберди Шодмонкулович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Зомин туман судининг раиси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
30	Бабаджанова Зульфия Хайдаровна	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси	29.03.2014 йил 2 малака даражаси
31	Ниязов Спартак Базарбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Кўнғирот туманлараро судининг раиси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
32	Керимбаев Абдимурат Каржаубаевич	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
33	Болиев Шарофиддин Облакулович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
34	Шукуров Анвар Исламович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
35	Бабакулов Бекзод Нормухамедович	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси	29.03.2014 йил 3 малака даражаси
36	Орзикулов Раҳматилла Салайдинович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	29.03.2014 йил 3 малака даражаси
37	Аширкулова Феруза Ҳамзаевна	Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
38	Абдурахимова Матлюба Каримовна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
39	Турсунов Салоҳитдин Абдурахимович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пайариқ туман судининг раиси	29.03.2014 йил 2 малака даражаси
40	Саидов Аброр Жумақулович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг судьяси	29.03.2014 йил 3 малака даражаси
41	Эргашев Шомурод Ўрунович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг раиси	29.03.2014 йил 3 малака даражаси
42	Абдуқахарова Дурдонахон Махаматходжаевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
43	Шеркузиев Абдуразак Босимович	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар судининг раиси	29.03.2014 йил муддатидан олдин 2 малака даражаси
44	Шамуратов Илхам Атамуратович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Қораўзак туман судининг раиси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
45	Шамамбетов Шарафат Досмамбетович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Чимбой туман судининг раиси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
46	Аҳадов Шерзод Номозжонович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси	29.03.2014 йил 5 малака даражаси
47	Абдувахובה Махмуда Асатуллаевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	02.05.2014 йил 1 малака даражаси

48	Сабилова Инобат Нигматовна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 2 малака даражаси
49	Ҳамдамов Шавкатжон Тулкинович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Ғузор туманлараро судининг раиси	02.05.2014 йил 2 малака даражаси
50	Тураев Абдулҳаким Убайдуллаевич	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси	02.05.2014 йил 1 малака даражаси
51	Абдурасулов Бахтиёр Иқромович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Жомбой туманлараро судининг раиси	02.05.2014 йил 3 малака даражаси
52	Турсунов Фаррух Джамшидович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Ғиждувон туман судининг раиси	02.05.2014 йил 3 малака даражаси
53	Новрузов Озоджон Ҳасанович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Қорақул туманлараро судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
54	Шаропов Нодирбек Юнусович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Олот туман судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
55	Дадабаева Нилуфар Фарходовна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
56	Касимова Наргиза Абдурахимовна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
57	Салайдинов Азизжон Толқунович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
58	Қурбонов Нурали Баходирович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туман судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
59	Нурматов Маннонжон Хуррамович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қамаша туман судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
60	Ниязов Фаррух Жуманазарович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Косон туман судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
61	Раҳманқулов Илхомжон Ҳакимович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Муборак туман судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
62	Умаров Шохбоз Акрамович	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Бойсун туман судининг раиси	02.05.2014 йил 4 малака даражаси
63	Тўхтаев Шўҳрат Амонжонович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
64	Давлатова Мавжуда Баратовна	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Жомбой туман судининг раиси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
65	Алиқулов Баҳодир Арсланович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
66	Алмаматов Темур Қўлибаевич	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Иштихон туман судининг раиси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
67	Дониёров Илёс Абдуҷабборович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Ургут туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
68	Мирзакаримов Шўҳратбек Иброҳимович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Марҳамат туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
69	Тўйчиев Муҳаммаджон Пазилджанович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Ҳўжабод туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
70	Ҳакимов Ҳамдамжон Адхамжон ўғли	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
71	Эрматова Зўҳраҳон Масировна	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
72	Набиев Отабек Олимджонович	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Оқолтин туман судининг раиси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
73	Дадабоев Абдулло Ҳайдаралиевич	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Наманган туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
74	Шералиев Асроржон Мақсудович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Асака туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси

75	Пардаев Фазлиддин Шамсиевич	Жинойт ишлари бўйича Жиззах вилояти Арнасой туман судининг раиси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
76	Хожаев Хурсанд Аминбаевич	Жинойт ишлари бўйича Хоразм вилояти Хазорасп туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
77	Хакимов Даниёр Бахтиёрлович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Чуст туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
78	Мамадиев Уктам Алмирзаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
79	Тавбаев Шавкат Кучкарович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
80	Кузыбаев Ином Рахматович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
81	Ахмедов Мамадали Қазоқбойевич	Жинойт ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг судьяси	02.05.2014 йил 5 малака даражаси
82	Муродов Камолиддин Равшанович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Тайлоқ туман судининг раиси	31.05.2014 йил 4 малака даражаси
83	Ботиров Жамшид Хайриддинович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Оқдарё туман судининг раиси	31.05.2014 йил 4 малака даражаси
84	Акрамов Азиз Асламович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пастдарғом туман судининг судьяси	31.05.2014 йил 4 малака даражаси
85	Гайбуллаев Жахонгир Исроилович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Ургут туман судининг раиси	31.05.2014 йил 3 малака даражаси
86	Арсланов Жахонгир Юлдашович	Жинойт ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман судининг раиси	31.05.2014 йил 4 малака даражаси
